


"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Вилоят ҳокими ўринбосари,
вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги
жамоатчилик Кенгаши раиси


М.Мамадиярова
" " февраль 2024 йил

**Вилоят ҳокимлигига ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ**

2024 йил 23 февраль

Навоий шахри

Раислик қилувчи:

М.Мамадиярова-вилоят ҳокими ўринбосари-
жамоатчилик Кенгаши раиси

Иштирок этганлар:

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик
Кенгаши аъзолари (рўйхат бўйича).

КУН ТАРТИБИ:

**Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни давлат томонидан қўллаб-
куватлаш ишларининг натижадорлиги тўғрисида**

(Мамадиярова, Кенгаши аъзолари,..., Мамадиярова)

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари - жамоатчилик Кенгаши раҳбари М.Мамадиярова кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни ва йиғилишга таклиф этилганларни кун тартибидаги масалалар билан таништирди.

Шу билан бир қаторда, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси ҳамда оила ва хотин-қизлар бошқармасининг раҳбарлари ва масъул ходимларининг кун тартибидаги масалалар юзасидан ахборотлари тингланди.

Хусусан, Навоий вилоятида “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизими доирасида тизимли ишлар амалга оширилгани алоҳида эътироф этилди.

1-босқичда 12 минг 819 нафар хотин-қизларга;

2-босқичда 15 минг 265 нафар хотин-қизларга;

3-босқичда 20 минг 099 нафар хотин-қизларга;

4-босқичда эса 29 минг 991 нафар хотин-қизларга амалий ёрдам берилди.

“Аёллар дафтари” тизимининг 4-босқичи доирасида Навоий вилоятида қўйидаги ишлар амалга оширилди:

Биринчидан, 5 минг 254 нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди;

Иккинчидан, 1 минг 54 нафар хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун жами 13 млрд 890 млн сўмлик кредитлар ажратилди.

Учинчидан, бокувчисини йўқотган 8 минг

432 нафар хотин-қизларга, шунингдек

ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек тезкор тиббий ёрдамга муҳтож 11 минг 791 нафар хотин-қизларга ҳамда қарамоғида ногирон фарзанди мавжуд 3 минг 182 нафар хотин-қизларга жами 16 млрд 638 млн сўм миқдорида моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз 36 нафар ҳамда уй-жойга муҳтож 52 нафар хотин-қизларга жами 69 млн сўм миқдорида моддий ёрдамлар берилиди.

Шу билан бирга, боқувчисини йўқотган 252 нафар ҳамда ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ва тезкор тиббий ёрдамга муҳтож 192 нафар хотин-қизларнинг уй-жойлари таъмиранди.

Тўртинчидан, уй-жойга муҳтож бўлган 278 нафар хотин-қизларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш чоралари кўрилди. Уларнинг 276 нафарига тураржой учун жами 464 млн сўм миқдорида ижара тўлови учун компенсация тўлаб берилиди, 2 нафари арzon уй-жойлар билан таъминланди. 6 нафар хотин-қизларнинг томорқадан самарали фойдаланилишига кўмаклашилди.

Бундан ташқари, уларга қўшимча равишда қуйидаги амалий ёрдамлар кўрсатилди.

28 минг 394 нафар хотин-қизлар ва уларнинг 3 минг 132 нафар вояга етмаган фарзандларига тиббий ёрдам кўрсатилди;

12 минг 249 нафар хотин-қизларга хуқукий ёрдамлар кўрсатилди;

7 минг 25 нафарига малакали психологик маслаҳатлар берилиди;

34 нафарига асбоб-ускуна ва меҳнат куролларини харид қилиш учун жами 192 млн сўм миқдорида субсидиялар берилиди;

олий ўкув юртида таҳсил олаётган 6 нафар хотин-қизлар ва “Аёллар дафтари”даги хотин-қизларнинг 4 нафар фарзандларига контракт тўловининг бир қисми учун жами 41 млн сўм тўлаб берилиди.

Умуман олганда, Навоий вилоятида “Аёллар дафтари”нинг 4-босқичи рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун барча манбалар ҳисобидан жами 40 млрд 826 млн сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Муҳтарам Президентимиз ахборот хати билан танишиб чиқиб, 2024 йилда “Аёллар дафтари” тизими доирасида Республика бўйича жами 1 млн нафар, жумладан, Навоий вилоятидаги 30 минг нафар хотин-қизларга амалий ёрдам бериш, ушбу ёрдамлар сифатини янада ошириш бўйича топшириқ бердилар.

“Аёллар дафтари”нинг 5-босқичида эҳтиёжманд хотин-қизларнинг ҳар бирига индивидуал ёндашиб ёрдам беришимиз керак.

Бунда, қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

1. “Аёллар дафтари”нинг 4-босқичига тайёргарлик кўриш пайтида баъзи сабабларга кўра суҳбатлашиш имкони бўлмаган хотин-қизлар хонадонига кирилади. Булар:

- ички миграцияда юрган ва ҳозирда қайтиб келган хотин-қизлар;
- ташқи миграцияда юрган ва ҳозирда қайтиб келган хотин-қизлар;
- ўша пайларда соғлиғи туфайли касалхонада бўлган хотин-қизлар;
- жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган хотин-қизлар.

2. “Ёшлар дафтари”дан чиқарилган, бироқ айни пайтда эҳтиёжманд бўлиб турган 30 ёшдан ошган хотин-қизлар хонадонига кирилади.

3. “Темир дафтар”га киритилмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар хонадонига

кириб, муаммоларини ўрганиш керак.

4. “Темир дафтар”да турган, лекин ҳали ёрдам берилмаган ҳамда “Аёллар дафтари”га кириш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизларга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим.

Бунда, ушбу хотин-қизлар “Темир дафтар”дан чиқиши шарти билан “Аёллар дафтари”га киритилиши мумкин.

Яъни бир вақтнинг ўзида бир аёл иккала “дафтар”да туриши мумкин эмас. Бу Низомда белгиланган талаб.

5. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизлар тўлиқ хатлов қилиниши лозим.

Бунда бир жиҳатни ҳисобга олиш лозим, яъни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган хотин-қизлар моддий ёрдам олаётган бўлса улар “Аёллар дафтари”нинг кўйидаги тоифаларнинг бирига киритилади:

1-тоифа: “Ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар”,

2-тоифа: “Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар”,

5-тоифа: “Уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар” тоифаларига киритилиши мумкин.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган, бироқ моддий ёрдам эмас, балки унга бошқа ижтимоий хизмат кўрсатилаётган бўлса, исталган тоифалардан бирига киритилиши мумкин.

“Аёллар дафтари”нинг 5-босқичида шуларга биринчи навбатда эътибор қаратишимиш керак.

Такрор айтаман: ўрганишларда бирорта ҳам эҳтиёжманд хотин-қиз эътибордан четда қолиб кетмаслиги шарт!

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: “Аёллар дафтари”нинг олдинги босқичларига киритилганлар яна қайтадан “Дафтар”га киритилиши мумкинми?

Жавоб: бундай ҳолатнинг изоҳи “Аёллар дафтари” Низомининг 9-бандида кўрсатилган, яъни

илгари “Аёллар дафтари”га киритилиб, бандлиги таъминланган ёки тадбиркорлиги йўлга қўйилган хотин-қизлар тақороран “Аёллар дафтари”га киритilmайди.

Агар хотин-қизлар доимий ишдан бўшатилган ёки тадбиркорликни йўлга кўя олмаган бўлса “Дафтар”га қайтадан киритилиши мумкин.

Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, йиғилиш,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масалалар юзасидан берилган ахборотлар маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси барча шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргалиқда “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизимининг 5-босқичи асосида белгиланган вазифаларни тизимли давом эттирасин.

3. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик Кенгаши аъзолари мутасадди идораларга 2024 йил учун белгиланган вазифалар ижросини ташкил

қилишда амалий-услубий күмак бериш ва жойларда мониторинг тартибида ўрганишлар олиб бориш вазифалари топширилсін.

4. Вилоят ҳокимлиги матбот хизматига ижтимоий ҳимояга мұхтож оиласынан давлат томонидан құллаб-қувватлаш бүйіча 2023 йилда амалға оширилгандардың ишлар ва 2024 йилда белгиланған вазифаларга оид маъқолаларни ОАВларда ёритиб бориш тавсия этилсін.

5. Мазкур йиғилиш баёнининг бажарылышини назорат қилишни үз зіммамда қолдираман.

Йиғилиш котиби


Д.Гаффорова